

УДК: 614.88 : 546.26-099-06:616.831

**ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА ОҚ ЗОТСИЗ КАЛАМУШЛАРДА
ТАЖРИБАВИЙ ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШДАН СЎНГ ҚУШҚЎНМАС
ЎСИМЛИГИ ЁРДАМИДА КОРРЕКЦИЯДАН Кейинги бош мия ярим
шарлари пешона соҳаси пўстлоқ қисмидаги морфологик
ЎЗГАРИШЛАРНИ ЎРГАНИШ**

**Бахронов Шухрат Яхёевич
Султонова Лола Жаҳонкуловна**

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Анатомия ва
оператив хирургия топографик анатомия (ОХТА) кафедраси.*

Тадқиқот мақсади. Ушбу тадқиқотнинг мақсади 18 ойлик оқ зотсиз каламушларда сурункали ис газии интоксикацияси натижасида бош мия ярим шарлари пешона соҳаси пўстлоғида ривожланадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларни аниқлаш ҳамда кушқўнмас экстракти қўлланилган фитокоррекциянинг нейропротектор самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Материаллар ва усуллар. Тажриба объекти сифатида 30 та 18 ойлик оқ зотсиз эркак каламушлардан фойдаланилди. Ҳайвонлар тадқиқот дизайнига мувофиқ уч гуруҳга тақсимланди: назорат (n=10), ис газии таъсирига учратилган тажриба (n=10) ва фитокоррекция (n=10) гуруҳлари. Сурункали интоксикация модели ҳайвонларни герметик камера шароитида 50-200 ppm концентрациядаги углерод оксиди таъсирига ҳар куни 2 соатдан 21 кун давомида такроран дучор этиш орқали яратилди. Коррекция гуруҳи ҳайвонларига кушқўнмас экстракти 100-200 мг/кг дозада 14 кун мобайнида металл зонд ёрдамида энтерал йўл билан юборилди. Тажриба якунида бош мия ярим шарлари пешона соҳасидан олинган материаллар стандарт гистологик усулларда қайта ишланиб, гематоксин-эозин бўёғи билан бўялди. Препаратлар морфологик ва морфометрик таҳлил қилинди.

Натижалар. Назорат гуруҳида бош мия пўстлоғининг архитектураси асосан сақланган бўлса-да, ёшга хос инволютив ўзгаришлар кузатилди. Бунда нейронлар зичлигининг пасайиши, дендрит аппаратининг қисқариши, гиперхромия ва қисман хроматолиз белгилари қайд этилди. Морфометрия натижалари молекуляр, ташқи донадор ва ташқи пирамидал қаватлар қалинлигининг мос равишда 95,0; 100,0 ва 185,0 мкм эканлигини кўрсатди.

Ис газии таъсирига учратилган ҳайвонларда нейронал популяциянинг сезиларли камайиши, хужайралараро бўшлиқларнинг кенгайиши, хроматолиз жараёнининг кучайиши, нейроцитлар мембранасининг деструкцияси ҳамда хужайраларнинг бужмайиши аниқланди. Шунингдек, перинейронал шиш, микроциркулятор ўзанда стаз ҳолатлари ва яллиғланиш реакцияларининг белгилари кузатилди. Морфометрик таҳлил натижалари қаватлар қалинлигининг сезиларли қисқарганлигини кўрсатиб,

молекуляр қават 1,5 марта, ташқи донатор қават 1,3 марта ва ташқи пирамидал қават 1,2 марта камайганлиги аниқланди.

Қушқўнмас экстракти билан ўтказилган фитокоррекциядан сўнг мия пўстлоғида деструктив ўзгаришларнинг маълум даражада камайиши кузатилди. Хусусан, нейронларда хроматолиз интенсивлиги пасайди, дендрит тузилмаларининг сақланиш даражаси ошди, глиал реакциянинг сусайиши ва цитоплазманинг нормохром бўйлиши қайд этилди. Бироқ нейронларда қариш жараёнига хос полиморфизм, мембрана деформацияси ва ядро асимметрияси каби ўзгаришлар тўлиқ бартараф этилмади.

Хулосалар. Сурункали ис газии интоксикацияси 18 ойлик каламушлар бош мия ярим шарлари пешона соҳаси пўстлоғида чуқур гипоксик-дистрофик ва дегенератив ўзгаришларни юзага келтиради. Ушбу ўзгаришлар нейронлар сонининг камайиши, хроматолиз, мембраналар деструкцияси ва пўстлоқ қаватлари атрофияси билан тавсифланади. Қушқўнмас экстракти қўлланилиши нейронлардаги деструктив жараёнларнинг оғирлигини пасайтириб, дендрит аппаратининг нисбатан сақланиши ҳамда нейроглиал реакциянинг камайишига хизмат қилди. Олинган натижалар қушқўнмаснинг антиоксидант ва нейропротектор хусусиятларга эга эканлигини кўрсатиб, уни ис газии чақирган гипоксик шикастланишларда қўшимча коррекцион восита сифатида қўллаш истиқболли эканлигини тасдиқлайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алиев Х.М., Рахимов Ф.Н. Гистологические изменения микроциркуляторного русла головного мозга при интоксикации угарным газом // Патологическая физиология и экспериментальная терапия. – 2021. – Т. 65, №4. – С. 34–39.
2. Бекмуродов Б.Т., Юлдашев Н.К. Морфометрическая характеристика нейронов неокортекса у стареющих крыс // Журнал анатомии и гистопатологии. – 2022. – Т. 11, №3. – С. 42–47.
3. Ганиев К.К., Исмоилов Ж.А. Цитологические особенности нейрональной дегенерации при гипоксическом повреждении мозга // Архив патологии. – 2019. – Т. 81, №5. – С. 51–56.
4. Abenavoli L., Izzo A.A., Milic N. et al. Milk thistle (*Silybum marianum*): A concise overview on its chemistry and pharmacological uses // Phytotherapy Research. – 2018. – Vol. 32, №11. – P. 2202–2213.